

«Hilol» нашриётида Расулulloҳда гўзал ўрнак бор» рисоласининг тақдимоти ўтказилди



16:07 / 03.11.2020 1160

Рабиъул аввал ойига яна бир тухфа билан «Hilol» нашриётининг бош дўконида «Расулulloҳда гўзал ўрнак бор» рисоласининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ушбу тақдимотда Тошкент шаҳар «Ҳазрати Али» жоме масжиди имом-хатиби устоз Салоҳиддин домла Абдуғаффор ўғли, «Ҳилол» нашриёт-матбааси раҳбари, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ ва имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қори ҳамда аҳли илм устозлар иштирок этишди.

Тақдимот анъанага мувофиқ Қуръони Карим тиловати билан бошланди. Тиловатни Тошкент шаҳар «Имом ат-Термизий» жоме масжиди имом ноиби Жасурбек қори Қулбоев ўқиб берди.

Сўнгра «Расулulloҳда гўзал ўрнак бор» рисоласи муаллифи устоз Салоҳиддин домла Абдуғаффор ўғлининг хулқ-ахлоқлари тўғрисида Исмоил Муҳаммад Содиқ чиройли сифатлар билан сўзлаб бердилар. Рисоланинг ёзилиш тарихи бўйича муаллифнинг ўзлари ҳамда китобдаги маълумотлар ҳақида Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қори жуда ҳам оммабоп тарзда маълумотларни тақдим этдилар. Ушбу рисола ҳам Мавлид ойига

китобхонлар учун навбатдаги тухфа бўлди десак муболаға бўлмайди. Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг хулқлари билан хулқланишга интилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни Ўзининг розилиги билан мукофотласин, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга ҳақиқий муҳаббатли уммат бўлишимизни насиб этсин!

Тақдимот якунида ушбу тадбир сабабчиси бўлган рисола муаллифи, устоз Салоҳиддин домла хайрли дуо қилиб бердилар.









